

Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 20 йиллигига

АҲМАДЖОН ЧОРИЕВ

# ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ДИЁР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВ  
ҚАШҚАДАРЁ ВА  
ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР ҲАҚИДА

*Хронологик тўплам*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2011

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қашқадарё юрти ва қашқадарёлик инсонлар тўғрисидаги фикрлари – янгиланаётган мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз ҳақида энг юксак баҳодир. Ушбу китоб ана шу эзгу фикрлар ҳосиласи сифатида дунёга келди.

**Тақризчилар:**

*Рустам СУЛАЙМОНОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор*

*Поён РАВШАНОВ,  
филология фанлари номзоди, профессор*

ISBN 978-9943-08-111-6

© «Янги аср авлоди» НММ, 2011 йил.

*Нуриддин Зайниев,  
Қашқадарё вилояти ҳокими, сенатор*

## **ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ**

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик чўққисидан ортда қолган йилларга бир назар ташласак, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эришилган, амалга оширилган барча муваффақиятлар, улғувор ишлар, бунёдкорлик натижалари кўз ўнгимизда яққол гавдаланади. Буни биргина Қашқадарё вилояти мисолида ҳам далолат этиш мумкин.

Босиб ўтган йўл, албатта, залворли, мураккаб, аммо шарафли. Собиқ иттифоқ ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Қашқадарё воҳаси оғир иқтисодий инқирозга юз тутган эди. Пахта иши билан боғлиқ издиҳомлар қашқадарёликларнинг эртанги кунга бўлган ишончини сўндирган эди. Шундай таҳликали даврда Ислом Абдуғаниевичнинг вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келиши Қашқадарё ва қашқадарёликларни кўп балолардан асраб қолди. Шунга ҳам чорак аср бўлаёзибди. Мамлакатимизнинг истиқлол йўли Қашқа воҳасида етилган эди. Ислом Каримов вилоятимизда иқтисодий мутелиқдан қутилиш ҳаракатини бошлаган, Республика раҳбари лавозимига кўтирилгач эса, дадиллик билан сиёсий мустақиллик йўлини тутган эди. Ўзбекистон мустақиллиги осонлик билан кўлга киритилган эмас. Марказнинг сиқувлари, дағдағалари қанча кучли бўлма-

син, республика раҳбарининг метин иродаси ундан устун келган эди. Буни тасаввур қилиш учун, Қашқадарёнинг вилоят сифатида тугатилиши билан боғлиқ ҳаракатлар йўли Ислом Каримов томонидан мардоновор қирқиб ташланганлиги воқеаларини ёдга олиш кифоядир.

Биз Қашқадарёликлар мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги тамал тошлари 1986-1989 йилларда Ислом Каримов томонидан Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган юртда – кўҳна Нахшаб ва Кеш тупроғида қўйилганидан бениҳоя даражада фахрланамиз. Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёга, унинг мард, меҳнаткаш халқига ҳурмат эҳтироми катта. Вилоятга раҳбар бўлиб келган биринчи кунданоқ буни улкан йиғинларда мамнуният билан айтганлар. Кейинчалик Ўзбекистон Президенти сифатида фаолият олиб борганларида ҳам, бу воҳага ўзига хос самимият билан алоҳида эътибор ажратиб келмоқдалар.

Қашқадарё истиқлол йилларида аграр ўлкадан саноати юксалган диёрга айланди. Вилоятдаги газ саноати мажмуалари XXI асрнинг гигантлари дейилса, муболаға бўлмайди. Фузор-Бойсун темир йўли ноёб муҳандислик ечими бўлибгина қолмай, Ватан индустриясининг асосий қон томири ҳам ҳисобланишга лойиқдир.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Соҳибқирон Амир Темур таваллуди билан боғлиқ ободончилик ишлари, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллик тантаналари ўтказилиши Қашқадарё довуғини ёйди. Вилоят ва унинг асосий шаҳри Қаршининг қиёфаси тамомила ўзгарди, кенг ва равон йўллар, муҳташам бинолар шаҳар кўркиги кўрк ба-

ғишлади. Кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш бобида биз Фарғона водийсидан қолишмай-миз. Қишлоқларимиз жамоли ҳар қандай хорижликни ҳайратга солмай қолмайди. Буларнинг ҳаммасига мухтарам Президентимизнинг доно маслаҳатлари, қўллаб-қувватлашлари туфайли эришдик.

Қарши шаҳрида барпо этилган “Эл юрт таянчи” монументининг ҳозирги шаклини олиши, мукамаллик касб этишида ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг маслаҳатлари устувор бўлган эди. У кишининг ватанимизнинг ҳамма вилоятлари сингари Қашқадарёга бўлган муҳаббати, шак шубҳасиз, халқимизнинг эртанги кунининг нурафшон бўлишини таъминлаш билан боғлиқдир. Зеро юртимизнинг жаҳоншумуллиги, халқимизнинг ҳеч бир халқдан кам эмаслиги Президентимизнинг буюк матлабидир. Қашқадарё вилояти равнақи бобида айтилган фикрлар, кўрсатмалар, шу нуқтаи назардан, истиқлол ва истиқбол имкониятлари бўлиб қолаверади.

Профессор Аҳмаджон Чориев катта ва ўта масъулиятли, айна вақтда, жуда хайрли ишни амалга оширибди – мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё ва қашқадарёликлар тўғрисида айтган фикр-мулоҳазаларини, нутқларини бир китобга жамлабди. Мазкур асар Қашқадарёнинг истиқлол йилларидаги босиб ўтган йўлини, тараққиёт омилларини ўрганишда муҳим манба, дастуруламал бўлиб қолади. Энг муҳими, Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёга, бу гўзал юртга бўлган улкан меҳр-муҳаббат туйғуси бирор-бир қашқадарёликни бефарқ қолдирмайди. Бунга ишончим комил.

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРА

*Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб,  
ўзликни англаш мумкин эмас.*

*Ислом КАРИМОВ*

Ҳар гал Ватан тарихини ўрганиш ҳақида гап кетганда бир воқеа бот-бот ёдимга тушаверади. 1989 йили Қашқадарё вилоятининг ўша пайтдаги биринчи раҳбари Ислом Каримов бир гуруҳ тарихчи олимларни ҳузурига таклиф этди. Тўғриси, ўшанда учрашувга бораётиб, хаёлимдан кўп нарсалар ўтди. Вилоятнинг аввалги раҳбарлари олимлар билан учрашганини ҳеч эшитмагандим. Раҳбар нега чақирдийкинлар, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Учрашувда Ислом Каримов кутилмаганда ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга келмаган таклифни ўртага ташладилар: «Сизлардан бир илтимосим бор. Қашқадарё – қадимий замин, унинг ҳақиқий тарихини ўрганиб, алоҳида китоб қилиб ёзиб берсаларингиз...» Кейин хона деворларидаги плакатларга кўз ташлаб, хотиржамгина шундай дедилар: «Бу шиорларга парво қилманглар... Гап шу!»

Девордаги рангли суратларга разм солсам, уларда Қашқадарё вилоятининг шўро даврида «социализм шарофати» туфайли гуллаб-яшнаган «тарақ-

қиёт» йўли акс этган экан. Ҳозир бўлган етти олимнинг учтаси тарихчи бўлиб, улар орасида энг ёши мен эдим.

Бу қатъий даъватдан бир руҳий қувват олдик. Ўша кезлари мен ҳазрати Башир номи билан машхур бўлган авлиёнинг тарихини ўрганиш билан қизиқиб юргандим. Ушбу суҳбатдан сўнг бу мавзудаги изла-нишларим янада кучайди.

Орадан 20 йил вақт ўтиб, ўша воқеани яна эс-лалаяпман. Ҳар эслаганимда бир савол хаёлимда чарх уради: ўша замонларда вилоят раҳбари: «Қашқадарёнинг ҳақиқий тарихини ёзиб беришин-гизни илтимос қиламан», деб айтиши осонмиди? Бунинг учун қанчалик журъат, ватанпарварлик ке-рак эди.

Ўтган йилларда асрларга татигулик туб ўзгариш-лар ва янгиланишлар рўй берди. Тарихни ўрганиш зарурати давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биз истиқлолга эришиб, истиқболга қадам қўйганимиз-да куч-қудрат, сабот, ирода, курашчанлик, қатъият, ақл-заковат керак эди. Буларни ўзимизда мужассам этмоқ учун ўтмишимизни, мард ва танги, одил ва имон-эътиқодли аждодларимизни ёд этишимиз, уларнинг жасорати, матонати, меҳнати, адолат, ҳақиқат учун кураши бизга сабоқ бўлиши, тарихи-миздан фахрланиш, ғурурланиш туйғусини туйиши-миз шарт эди. Шу боис Президентимиз: «Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айта-ман, иродали инсондир!» – деб қатъий таъкидлади. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмайдди, деган ғоядан келиб чиқиб, биз ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимизни ўтмиш қадриятларимиз билан таништириш зарура-

ти кун тартибига қўйилди. Бу вазифани бажариш миллий мафкурани, мустақиллик мафкурасини шакллантиришнинг асосий шартларидан эди. Ўзбекистоннинг янги, ҳақиқий тарихи ёзила бошланди. Энг эътиборли жиҳати, бу улуғвор ишларга Ислом Каримов қашқадарёлик олимларни мустақилликдан аввал ундаган эди.

Ўша 1989 йилги учрашувдан сўнг биз – тарихчи олимлар ҳаракатга тушдик. Талабалар билан ҳозирги Косон туманига қарашли Ерқўрғонда археологик қазув ишлари олиб бориб, қадимги Наҳшаб – Қарши шаҳри тарихини ўргандик. Мустақилликнинг дастлабки вақтларидаёқ Ерқўрғон харобаларида республикамизнинг етакчи археолог-олимлари томонидан қазиш, тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Ерқўрғонда милоддан аввалги IV–III асрларда шаҳар бўлгани исботланди. Бу ҳақда Р.Сулаймоновнинг «Қадимги Наҳшаб», П.Равшановнинг «Қашқадарё тарихи» номли йирик монографиялари ва қатор илмий мақолалар чоп этилди.

Ерқўрғонда жуда қадимий тарихий-маданий ёдгорликлар борлиги исботланди. Буни ЮНЕСКО ташкилоти бош конференцияси 32-сессияси ҳам эътироф этиб, Қарши шаҳарсозлик маданиятининг 2700 йиллигини улкан байрам сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Биз ўшанда фақат тарихни ўрганиш билан кифояланмай, вилоятдаги қадимий ёдгорликларни топиб, уларни асраш ҳақида ҳам ўйлай бошладик. Бу ҳам Юртбошимизнинг ўша пайтдаги ташаббуси эди. Шу тариқа Шаҳрисабздаги Оқсарой, Доруссаодат, Дорут-тиловат, Гумбази Сайидон каби машҳур обидалар билан бир қаторда, олис туманлар-



даги ёдгорликлар ва зиёратгоҳларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, Касбидаги Султон Мирҳайдар мажмуаси (XII аср), Имом Муҳаммад Садрий Ислом қабристони, Китобдаги Ҳазрати Баширота мақбараси (XVI аср), Муборақдаги Занжир Сарой ёдгорликлари (XIII–XIV асрлар), Боғи Эшон шахристони, Декча сардобаси (XVI аср), Миришкор туманидаги Чор Гумбаз масжиди, Яккабоғдаги Қаландар тепа (II–IV асрлар), Амир Темур таваллуд топган қишлоқдаги Хожа Илғор ота зиёратгоҳи, Қамашидаги Лангар ота мақбараси (XI–XII аср), Қўрғонтепа (III аср), Мусофир ота зиёратгоҳи каби осори-атиқалар шулар жумласидандир.

Вилоят бўйича шундай обида ва зиёратгоҳларнинг етмиш саккизтаси рўйхатга олинди. Афсуски, уларнинг аксарияти қаровсиз, вайрон бўлиб ётар эди. Чунки шўро даврида бундай обидалар иложи борича яксон этилган, сақланиб қолганлари ҳам турли йўллар билан оёғости қилинар эди. Уларнинг бир қанчаси текисланиб, ўрнига экин экиб юборилганлигини қариялар ҳанузгача алам билан эслаб юришади. Одатда, тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар ястанган бўлади... Ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда, қарши чиққанлар тазйиққа олинди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ҳақиқий тарихимиз ва ижтимоий адолатни тиклаш бўйича дастлаб Қашқадарё вилоятида бошланган ишлар кейинчалик бутун мамлакат миқёсида кенг кўламда қанот ёзди. Чунки, Президентимиз айтганидек: «Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай

одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Афсуски, бизда Ватанимизнинг ҳаққоний тарихи бир четда қолиб, сохта тарих, ўзгалар ўтмиши ўргатиб келинди. Мустамлакачилар зулми остида тинкаси қуриган халқ ҳам, унинг олимлари ҳам холисона мулоҳазалар билдириш, ҳақиқатни айтиш ҳуқуқидан маҳрум қилинганди. Шу катта хатони бартараф этиш учун Ўзбекистон тарихини яратиш ҳайъати тузилди, муаллифлар белгиланди. Юртбошимизнинг раҳнамолиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи» яратилди. Мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар тизими ва олий таълимда янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўнлаб илмий тадқиқотлар юзага келди, кўплаб рисоалар ёзилди. Ўз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳоламайдиган бўлдик.

Тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, холисона ёритиш, катта тарихга, кечмишга эга Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хива, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларнинг улуғ ёшлари тантанали равишда нишонланди. Жаҳон маданияти, маънавияти, давлатчилигига улкан ҳисса қўшган алломалар, саркардалар, давлат арбоблари хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилди. Тарихни ўрганиш борасидаги ҳар бир тадбир миллий ғуруримизни ошириб, ўзлигимизни англашга хизмат қилмоқда.

Истиклол шарофати билан Хўжа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Абдуллоҳ Фиҳрдувоний, Шайх Сайфиддин Бухорий-Бухорзий, Сайид Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Имом ал-Мотуридий, Марғиноний, Ат-Термизий, Ал-Бухо-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1896> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1896> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1896>